*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, локайд кишилардан яхшидир.*

O'zLiDeP

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2013 йил 7 ноябрь, пайшанба, 45 (521)-сон

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com,
web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Конституциямиз — энг катта дорилфунунимиз
3 МУНОСАБАТ



Кучли кадрлар кучли партия таянчидир
5 СИЁСИЙ ТАЪЛИМ



Аср муаммоси
7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

# Экспорт учун мустаҳкам кўприк

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши хусусий секторда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва такомиллаштиришга қаратилган навбатдаги муҳим қадам бўлди

Айни пайтда иқтисодиётимиз тараққиётини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ишбилармонлар учун қулай бизнес муҳити яратиш, бунинг учун уларга қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш, ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Соҳа мутасаддиларининг фикрича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш, бу борада уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган мазкур қарор замирида соҳа вакиллари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хориж бозорларига чиқаришга реал ёрдам кўрсатиш мақсади мужассамдир.

Шу ўринда 2013 йилнинг 9 ойида мамлакатимизда илгари ўз маҳсулотини экспорт қилмаган 469 та корхона экспорт фаолиятига жалб этилганини, бунга Президентимиз фармон ва қарорлари, парламентда қабул қилинаётган қонунлар асосида хусусий сектор учун имтиёз ва имкониятлар тизими яратилгани муҳим омил бўлганини қайд этиш лозим.

2 ►►



Солиҳ ЗОИР олган сурат

# Фракция қоиун лойиҳаларини маъқуллади

O`zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда долзарб аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонун лойиҳалари иккинчи ва учинчи ўқишда муҳокама қилинди

Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойиллари асосида олиб борилаётган кенг кўламли жараёнлар қонунчилик базасини бугунги кун талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Жамиятнинг ижтимоий ҳимоя соҳасидаги бундай талабларидан бири васийлик ва ҳомийлик институтининг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш ва унинг самарали механизмларини татбиқ этишдир. Шу маънода, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Президентимизнинг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилганини айтиб ўтиш керак.

O`zLiDeP фракцияси аъзоси Муҳаббат Тўхтаеванинг таъкидлашича, ҳозиргача васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар Фуқаролик ва Оила кодекслари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги қарори билан тасдиқланган «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги Низом» асосида тартибга солинмоқда.

2 ►►

# ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга кўмаклашиш борасида депутатлар корпуси фаоллигини оширишга бағишланган форум бўлиб ўтди.**

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар вакиллари, фермерлар қатнашди.**

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётимиз аграр секторининг асосий таянчи сифатида фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, қишлоқда ҳаёт сифатини белгилайдиган фермерлар қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашиб, аграр соҳага замонавий технологияларни жорий этмоқда.**

2 ►►

# «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонун беш ойдан кейин кучга киради

Янги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритишдан аввал мувофиқлик ўзи нима, унинг жорий этилишидан аслида кимлар манфаатдор деган саволларга жавоб қайтариш лозим

Маълумки, бозорга чиқарилаётган ҳар қандай маҳсулот ва хизматларга нисбатан ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, фойдаланувчилар ёки давлат назорат идоралари томонидан муайян талаблар қўйилади. Маҳсулот ва хизматларнинг ана шу талабларга мос келиши, уларнинг техник регламентлар, стандартлар ва бошқа ҳужжатлар талабига жавоб беришини кўрсатиш жараёни эса мувофиқликни баҳолаш деб юритилади.

Мувофиқликни тўғри баҳолашдан, энг аввало, истеъмолчилар манфаатдор эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Яъни, нотўғри ёки ишончсиз баҳолашдан биринчи галда улар зарар кўрадилар.

4 ►►

## КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН 2013 ЙИЛ УЧУН ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАМЛАКАТИМИЗДА МАКРОИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ВА ЮҚОРИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ САҚЛАШ ИМКОНИНИ БЕРДИ.



# «GM UZBEKISTAN»ДА ЯНГИ «CHEVROLET GENTRA»

**«General Motors Uzbekistan» қўшма корхонасида йиғилаётган янги — «Chevrolet Gentra» русумли автомобилларни техник синовдан ўтказиш учун уларнинг дастлабки намуналари Россияга жўнатилгани маълум қилинмоқда. Хабарларга кўра, завод декабрь ойидан бошлаб мазкур русумдаги автомобиллар учун буюртмалар қабул қила бошлайди. Уларнинг 90 фоизини Россия ва МДҲ давлатларига экспорт қилиш режалаштирилган.**

**Кези келганда, «Lacetti»нинг ташқи дизайнини янгилаш орқали яратилган, 105 от кучига эга, тўрт цилиндрли DOHC двигателлари билан таъминланган «Gentra» автомобилларини дастлабки босқичда йилига 20 минг донадан ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Энг муҳими, 23,4 миллион АҚШ долларилик ушбу лойиҳа асосан «GM Uzbekistan» маблағи ҳисобидан амалга оширилаётир.**

ПАРЛАМЕНТДА

# Ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди

Мажлисда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик алоқалари иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва парламентаризм каби кўплаб йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Қайд этиш жоизки, Европа Иттифоқи Ўзбекистон билан сиёсий мулоқотни ривожлантиришга ва барча соҳалардаги амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратади. Икки томон ўртасида парламентаризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 1999 йилда «Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги қўмитаси ташкил этилган.

Ўтган вақт мобайнида парламент қўмитаси икки томонлама алоқаларнинг барча йўналишлари, жумладан, иқтисодиёт, сиёсат, хавфсизлик, атроф-муҳит, соғлиқни сақлаш ва фуқаролик жамиятларини демократлаштириш соҳалари бўйича конструктив мулоқотни йўлга қўйди. Бундай бевосита мулоқот икки томоннинг ўзаро мунтазам алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

— Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар изчил ривожланиб бормоқда, — деди «Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги қўмитаси ҳамраиси, Европа Парламенти делегацияси раҳбари Паоло Бартолоцци (Италия). — Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги етакчи мамлакатлардан. Ўзбекистонда демократик институтлар фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган изчил исоҳотлар юксак эътирофга сазовордир. Қўмитанинг аввалги мажлисларида эришилган келишувлар ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистонда улкан ишлар амалга оширилганини қайд этишни истардим.

2 ►►

# СОЛИҚЧИЛАР — ЖУРНАЛИСТЛАР ҲУЗУРИДА

**Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синови бўйича бошқармада амалга оширилган ишлар ҳақида журналистларга атрофлича маълумотлар берилди.**

**Тадбирда таъкидланганидек, бошқармада 2006 йилдан буён ахборот хизмати фаолият олиб бораяпти. Бу соҳага оид ахборотларни тарқатишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, ушбу хизмат томонидан солиқ қонунчилиги изчил тарғиб этилиб, журналистларга тезкор ахборот берилмоқда. Шу ўринда бошқарма веб-сайтида 26 турдаги интерфаол хизматлар ахборот олишнинг ишончли ва қулай манбаига айланганини қайд этиш мумкин.**

**— Айни пайтда шундай хизматлар сони 28 тага етди, — деди бошқарма ахборот хизмати ходими Шерали Искандаров.**

2 ►►

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 5 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | |
|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▼ | 2066,15 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▼ | 3468,05 |
| 1 Дания кронаси | ▼ | 393,75 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ | 593,14 |
| 1 АҚШ доллари | ▲ | 2178,56 |
| 1 Миср фунти | ▲ | 316,23 |
| 1 Исландия кронаси | ▼ | 17,93 |
| 1 Канада доллари | ▲ | 2091,55 |
| 1 Хитой юани | ▲ | 357,22 |
| 1 Малайзия ринггити | ▼ | 686,16 |
| 1 Польша злотийси | ▼ | 701,83 |
| 1 СДР | ▼ | 3337,01 |
| 1 Туркия лираси | ▼ | 1082,51 |
| 1 Швейцария франки | ▼ | 2386,68 |
| 1 ЕВРО | ▲ | 2961,92 |
| 10 Жанубий Корея вони | ▲ | 20,51 |
| 10 Япония иенаси | ▼ | 220,64 |
| 1 Россия рубли | ▼ | 67,70 |
| 1 Украина гривнаси | ▲ | 272,56 |

«XXI ASR» 45 (521)-сон, 7.11.2013 йил, пайшанба, web sayt: www.21asr.uz

10 октябрдан 30 октябрга
қадар вилоятларда тадбиркорлар билан очиқ мулоқотлар ўтказилди.

«Ўз бизнесингни ярат!» дастури,
ариза, шикоят ҳамда мурожаатлар бўйича интерфаол хизмат туридан ҳам фойдаланилмоқда.

ҚОРОР ВА ИЖРО

# Экспорт учун мустаҳкам кўприк

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Ўз мухбиримиз**

Таҳлилчилар мамлакатда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорликка янада кенг имкониятлар бериш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли 2013 йилнинг 9 ойида 21,2 мингта янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, товар ва хизматлар экспорти ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 фоизга ошганини таъкидлаяптилар.

Давлатимиз раҳбари қарорига мувофиқ, ТИФ «Миллий банк» ҳузурида ташкил этилган махсус жамғарма бу жараёнда ўзига хос кўприк вазифасини ўташи, кичик бизнес субъектларининг ташқи бозорлардан мустаҳкам ўрин эгаллашига амалий ёрдам кўрсатиши лозимлиги белгилаб қўйилди. Жамғарма таъсисчилари қаторига ТИФ «Миллий банк», Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, шунингдек, тижорат банклари ва бошқа молиявий институтлар киритилгани эса тадбиркорлик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш имконини янада кенгайтиради, албатта.

Яқинда жамғарманинг юқори бошқарув органи — жамғарма кенгаши мажлисида мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг ташқи савдо амалиёти билан боғлиқ қонунчилик меъёрларини чуқур ўрганиш, жойларда тадбиркорлар билан бевосита учрашувлар ташкил этиш, улар олдида турган муаммоларни ҳал этиш учун зарур чора-тадбирлар белгилаш, ишлаб чиқарилаётган махсулотлар ассортименти ва турларини, шунингдек, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлик даражасини аниқлаш ҳамда экспорт салоҳиятига эга бўлган корхоналар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

— Асосий мақсад тадбиркорларнинг экспорт салоҳиятини янада кенгайтиришга, талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, жорий ва истиқболдаги конъюнктурани ўрганиш юзасидан ташқи бозорларда тадқиқотлар ўтказиш орқали ўз маҳсулотларимизни экспорт қилиш учун мавжуд имкониятларни аниқлашдан иборатдир, — дейди жамғарма ижрочи директори вазифасини бажарувчи Ш.Мустафоев. — Дастлабки қадамни жойлардаги тадбиркорлик субъектлари билан бевосита учрашувлардан бошладик. 10 октябрдан 30 октябрга қадар вилоятларда бўлиб, тадбиркорлар билан очиқ мулоқотлар ўтказилди.

Тадбиркорлик тузилмаларининг экспортга йўналтирилган фаолияти хусусида сўз борганида савдо-сотиқ масалалари бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, экспортбоп маҳсулотларнинг потенциал имкониятларини аниқлаш, уларни ташқи бозорларга чиқариш, экспорт операцияларини амалга ошириш, экспорт қилувчиларни эҳтимолий хавф-хатарлардан ишончли ҳимоялаш бозор иқтисодиётининг асосий талаби эканини доимо ёдда сақлаш керак. Шунинг учун ҳам жамғарма ўз фаолиятида бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунингдек, хорижий мамлакатлар қонунчилигига мувофиқ талаб этиладиган тегишли лицензиялар, рухсатнома ва сертификатлар олиш ҳамда бошқа масалаларда тадбиркорларга юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатиш ҳам жамғарманинг асосий вазифаларидандир.

Шу ўринда жамғарма таъсисчилари ташаббуси билан янги тузилма фаолиятини кенг тарғиб этиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан кенг ҳамкорлик ўрнатилаётганини таъкидлаш лозим. Бу ўз-ўзидан жамғарманинг мақсад ва вазифаларини изчил тарғиб этишдан ташқари, тадбиркорларга бу жараёнда олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида ахборотлар беришда ҳам қўл келади.

# Фракция қонун лойиҳаларини маъқуллади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»



Лекин ушбу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда васийлик ва ҳомийлик органлари тушунчасига аниқ таъриф берилмагани, Оила кодекси доирасига кирмаган васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларни жойлаштириш имкониятлари чегаралангани амалиётда айрим муаммоларни келтириб чиқараётган эди. Янги қонун лойиҳаси эса ана бўшлиқни тўлдиради. Уни тайёрлашда бир қатор давлатларнинг соҳага оид қонунчилиги ўрганилиб, васийлик ва ҳомийлик бўйича халқаро андозалар таҳлил қилинган.

Мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида васийлик ва ҳомийликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янада самарали механизмини яратиш, васийлик ва ҳомийликка олинган шахсга тегишли мол-мулкни сақлаш ва бошқариш билан боғлиқ қоидаларни такомиллаштириш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар манфаатини ҳимоялаш билан боғлиқ 300 дан зиёд таклиф, хусусан, O`zLiDeP фаоллари тақдим қилган фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, лойиҳанинг у ёки бу моддасида акс эттирилди.

Фракция йиғилишида «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам учинчи ўқишда кўриб чиқилди.

— Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда, — деди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Тўлқин Турсунов. — Президентимизнинг 2012 йил 30 ноябрдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва 2012 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармойиши бу борада муҳим қадам бўлганини таъкидлаш лозим. Хусусан, Юртбошимиз фармони билан судьялик лавозимига номзодларга, суд кадрлари захирасини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий билим даражасини оширишга қўйилган талаблар янада кучайтирилди.

Шу муносабат билан «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги низомни қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келиб, юқоридаги фармойишда белгиланган вазифалар хамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида»ги низомда назарда тутилган талаблар асосида тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиляпти. Эътироф этиш жоизки, мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ва учинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида O`zLiDeP фракцияси аъзолари фаол иштирок этдилар. Улар томонидан тақдим этилган 10 дан ортиқ таклифнинг 7 таси лойиҳада ўз аксини топди.

Маълумки, O`zLiDePнинг Сайловолди платформасида партия суд тизимидаги ислоҳотлар доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларига қатъий риоя қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ваколатлари қонунларда аниқ акс эттирилиши тарафдори эканлиги ўз ифодасини топган. Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасига ана шундай ёндашувдан келиб чиққан ҳолда муносабат билдирдилар.

Фракция йиғилишида, шунингдек, «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат органининг ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. Депутатларнинг фикрича, мазкур ҳужжат Президентимизнинг 2012 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу фармонга биноан тугатилган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил қилиниши билан тугатилган ҳар икки қўмитанинг вазифа ва функциялари янги ташкилотга ўтаётганлигини эътиборга олиб, айрим қонун ҳужжатларига янги қўмитанинг номи билан боғлиқ ўзгартишлар киритиляпти. Шу билан бирга, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг худудий органлари қўмитага юклатилган ваколатларга мувофиқ, судларга кўриб чиқиш учун киритиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилиши белгиланмоқда.

Йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

## ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Тадбирда фермерлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини, жумладан, ёшларни иш билан таъминлаш ва уларнинг турмуш даражасини ошириш жараёнида фаол иштирок этаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, фермерларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳам ўсиб бормоқда. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси бўлган 300 нафар фермер Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатларидир. Яқинда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ўртасида ҳамкорлик тўғрисида имзоланган шартнома бу жараёнлар сифатини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишни кўпайтириш учун қулай шароитлар яратиш зарурлиги ҳақида сўз юритилди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил август ойида қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ушбу муҳим масалани ҳал этишга қаратилган. Тадбирда ижтимоий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида фермерлик ҳаракатининг ўрни ва аҳамиятини ошириш мақсадида жойлардаги ҳокимият вакиллик органларида депутатлар фаолиятини жонлантириш зарурлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Замонавий билим ва малакага эга, ўз фаолиятида салмоқли ютуқларга эришишга қодир янги авлод фермерларни тарбиялаш ҳам долзарб масаладир. Мазкур вазифаларни амалга оширишда мамлакатимизда ўзига хос деҳқончилик мактаби яратган илғор фермерлар тажрибасини кенг ўрганиш муҳим ўрин тутади.**

Сардор ТОЖИЕВ, ЎзА мухбири.

## БИЛИМ, МАЛАКА ВА ТАРҒИБОТ

**Наманганда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга бағишланган ўқув-тренинг ўтказилди. Унда Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари раҳбарлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши етакчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

**Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан ташкил этилган тадбирда Юртбошимиз раҳнамолигида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада оширишга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.**

**– Мазкур ўқув-тренинг Президентимиз асарлари, маърузаларида билдирилган фикрлар, ғоялар, жамият олдига қўйилаётган вазифалар асосида халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини кучайтириш ҳамда бу борада миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларга масъул ходимларнинг малакасини оширишга хизмат қиладиган самарали усул ва услубларга асосланган, – дейди Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бош мутахассиси Отабек Бозоров.**

А.САТТОРОВ, ЎзА мухбири.

## СОЛИҚЧИЛАР – ЖУРНАЛИСТЛАР ҲУЗУРИДА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**— Энди фуқаролар «Ўз бизнесингни ярат!» дастури, ариза, шикоят ҳамда мурожаатлар бўйича интерфаол хизмат туридан ҳам бемалол фойдаланишлари мумкин.**

**Соҳа вакилларининг айтишича, жорий йилнинг ўтган 9 ойида вилоятда давлат бюджетига солиқлар ва бошқа тўловлар режаси 100,3 фоизга бажарилган. Жумладан, ягона ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ажратмалари 100,7 фоиз, республика йўл жамғармасига маблағ тушириш 100,2 фоиз, таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига маблағ тушириш режаси эса 100,6 фоизга уддаланган.**

**Ҳисобот йилнинг ўтган даврида жисмоний шахсларга ҳисобланган мол-мулк ва ер солиқларини тўлиқ ундириш, бу борада юзага келган қарзлар ҳамда ортиқча тўловларни бартараф этиш бўйича ҳам кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.**

**Аммо тадбирда ана шундай натижаларга қарамай, айрим солиқ тўловчилар ҳали ҳам ўз конституциявий бурчларини тўла англаб етмаётганларига эътибор қаратилди. Демак, солиқ тўловчилар ўртасида тушунтириш ишларини янада кучайтириш лозим. Бугун айнан шу масалада журналистларнинг ёрдамлари зарур. Умуман, солиқ қонунчилиги тарғиботи бўйича ОАВ вакиллари билан қанчалик яқин алоқалар ўрнатилса, солиқ тўловчиларда солиқ маданияти шунчалик тез шаклланади.**

Муҳаббат РАВШАНОВА.

# Ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Ирода УМАРОВА,**
ЎзА мухбири

Ўзбекистонда таълим соҳасини ислоҳ қилиш борасида катта ютуқларга эришилаётгани бизни ғоят қувонтиради. Европа Иттифоқи Ўзбекистон билан турли йўналишлардаги ўзаро муносабатларни янада равнақ топтиришдан манфаатдордир.

Тадбирда Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самарасида иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг йил сайин ошиб боришига ва чет эл сармоясини янада кўпроқ жалб этишга эришилаётгани қайд этилди.

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»га мувофиқ ишлаб чиқилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳамда мазкур қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш мақсадида ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент Европа Парламенти делегацияси аъзоларида алоҳида қизиқиш уйғотди.

Учрашувда, шунингдек, Ўзбекистонда ва Европа Иттифоқи мамлакатларида демократлашув ва конституциявий ривожланиш жараёнлари самарадорлигини ошириш борасида икки томон ўртасида ўзаро тажриба алмашувини фаоллаштириш ва конструктив ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

— Ўзбекистонда Европа Иттифоқи билан ҳамкорликдаги қўшма лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилаётгани эътиборга молик, — деди «Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги қўмитаси аъзоси Катарина Неведалова (Словакия). — Ўзбекистон таълим тизимидаги юксак самаралардан бири — 12 йиллик мажбурий таълим тизимига ўтилгани ҳам Европа Иттифоқи томонидан юқори баҳоланмоқда. Ўзбекистоннинг барча худудларида она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани бизни жуда қувонтиради.

Мажлисда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар, хусусан, ижтимоий-иқтисодий, сармоявий, молиявий ва ҳуқуқий соҳадаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик трансчегаравий экологик муаммоларни бартараф этишга доир қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди.

«Конституциямиз — нафақат бугунги куннинг қомуси, балки эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб турувчи маёқдир».

Бу таклиф «Аёллар қаноти» томонидан қўллаб-қувватланса, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга ўзига хос ҳисса бўлиб қўшиларди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

# Сиёсий партиялар

## ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг гаровидир



**Тўрабек НАЗАРОВ,**
O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати

Маълумки, мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар бир инсон учун муносиб ҳаёт ва турмуш шароитлари яратилган жамият қуриш сари дадил одимлаяпмиз.

Бу жараёнда аҳолининг турли қатлами қарашлари, манфаат ва мақсадлари муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда уларнинг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларида катнашувчи сиёсий партиялар муҳим ўрин тутади.

Бош қомусимизда сиёсий партиялар фаолиятига доир асосий принциплар мустаҳкамлаб қўйилгани эса уларнинг изчил ривожланишига қулай шароит яратди.

Хусусан, Конституциямизнинг 34-моддасида фуқароларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундан ташқари, сиёсий партиялар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳам аниқ белгиланган.

Конституциямизнинг 60-моддасида белгиланганидек, «Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар».

Шу ўринда 1996 йилда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ушбу қонунда сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш принциплари, фаолияти кафолатлари, ҳуқуқлари, вакиллик органларидаги партия фракциялари, гуруҳларининг мақсад ва вазифалари ҳам тўлиқ белгилаб қўйилган.

Партиялар замонавий демократик жамият сиёсий тизимининг ажралмас қисми бўлиб, улар давлат ҳокимияти конституциявий-ҳуқуқий тузилишининг барча бўғинларига сингиб кетган ҳолда нафақат уни шакллантириш, балки фаолият юритишида ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам ҳеч бир демократик ҳуқуқий давлатнинг сиёсий тизимини партияларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Демак, сиёсий партияларнинг мавжудлиги ва реал муносабатларни акс эттирган ҳолда фаолият кўрсатиши демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг гаровидир.

Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолиятини таҳлил этсак, улар халқнинг энг яхши демократик анъаналари, адолат, эзгулик, тенглик ва инсон эркинлиги каби умуминсоний қадриятлар ҳамда ғоялар, ахлоқий ва одамийлик қоидаларига суянган ҳолда иш олиб бораётганларига гувоҳ бўламиз.

Масалан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси дастурининг асосий мақсадларидан бири – бу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, Ўзбекистоннинг халқаро обрўйини ошириш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, миллатлараро ва фуқаролараро аҳиллик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида фаол қатнашишдан иборатдир. Ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, ўз элим, ўз юртим, жон Ўзбекистоним, дея ғурурланиб яшаш руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш, ҳар қандай шароитда мустақиллик йўлимиз, қадриятларимиз, миллий ва диний анъаналаримиз, урф-одатларимизни қадрлаш, шу билан бирга, барча миллат ва элатлар қадриятларини камситишга йўл қўймасликдир.

Бугунги давр ва ислоҳотларнинг ҳозирги талаби бундай ишларни янада жадаллаштиришни тақозо этмоқда. Юртбошимиз қайд этганларидек, бу борада бошқа муҳим йўналиш ва вазифаларни инкор этмаган ҳолда, аввало, аҳоли фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий онгини оширишга доир ишларимиз самарасини янада кучайтириш масаласи доимо кун тартибида туриши зарур.

> **«Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади».**
>
> (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддаси).

Фуқаролар фаоллигини ошириш эса, ўз навабатда, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий қарашлар, турли манфаатларни ифода этадиган сиёсий партиялар фаоллигини ошириш билан чамбарчас боғлиқ эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бинобарин, партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли орасида қанча жонлантириб, кенгайтириб борса, халқимиз ва сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги шунча юксалиб, уларнинг ислоҳот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири тобора ортиб бораверади.

Маълумки, 2007 йилда қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун сиёсий партиялар ва уларнинг парламентдаги фракциялари ролини янада кучайтиришда муҳим қадам бўлди. Бу, ўз навбатида, сиёсий партиялар фракцияларининг фаолиятини янада кучайтириш, фракциялараро курашни кенгайтириш, энг муҳими, қабул қилинаётган қонунлар сифатини оширишга шарт-шароит яратди. Шунингдек, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашларидаги партия гуруҳларининг ролини сезиларли даражада кучайтирди.

Сиёсий партиялар фаолияти хусусида сўз борганида, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар сиёсий партиялар фаолиятини бутунлай янги босқичга кўтаришга хизмат қилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»-ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни эса сиёсий партиялар фракцияларининг роли ва масъулиятини кучайтиришнинг ҳуқуқий асосини яратиб берди.

Бундан ташқари, Концепцияга мувофиқ, «Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинганини қайд этиш лозим бўлади.

Буларнинг барчаси давлат сиёсий тузилмасида вакиллик ҳокимиятининг роли ва аҳамиятини янада кучайтириш ҳамда ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантириш, улар фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш борасида сиёсий партияларнинг ролини тубдан ошириш учун мустаҳкам қонунчилик асосларини яратди. Энг муҳими, бундай қонунлар Қонунчилик палатаси билан бирга, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари доирасида демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган сиёсий партиялараро рақобатни янада кучайтириш учун қўшимча шароитлар яратди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида сиёсий партиялар ролини кучайтиришга оид қонунчилигимизга киритилган ўзгартишлар жамиятимизда сиёсий ҳамжиҳатлик ва сиёсий барқарорликнинг ҳуқуқий негизи сифатида сиёсий қарашларни эркин ривожлантириш, сиёсий рақобат муҳитини қарор топтириш, энг муҳими, аҳолининг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришга ёрдам бермоқда.

# Конституциямиз — энг катта дорилфунунимиз

**Тарихан қисқа даврда эришилган салмоқли натижалар, беқиёс янгиланишлар замирида, шубҳасиз, Бош қомусимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб турибди. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: «Конституциямиз — нафақат бугунги куннинг қомуси, балки эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб турувчи маёқдир».**

**Комилжон СУЛТОНОВ,**
O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши Мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими бошлиғи

Ҳақиқатан ҳам, 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган ва умумхалқ муҳокамасидан ўтган Конституциямиз умуминсоний ғоялар – тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби эзгу амалларга хизмат қилаяпти. Қолаверса, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқлар иродасини, руҳияти, онги ва маданиятини ҳам акс эттиришини доимо ёдда тутишимиз керак.

Агар яқин ўтмишга назар ташласак, мустабид тузум даврида амалда бўлган Конституцияга мувофиқ, ишлаб чиқариш воситалари, жамики моддий бойликлар давлат мулки ҳисобланарди. Мустақиллик туфайли қабул қилинган Конституциямизда эса «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли» экани кафолатлаб қўйилган. Бошқача айтганда, ана шу ҳужжат асосида юртимизда ишбилармонлик, тадбиркорлик ва ташаббускорликка кенг йўл очиб берилди.

Маълумки, ривожланган демократик давлатларда ҳар бир фуқаро шахсий ҳаёти, ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур этолмайди. Биз кучли демократик ҳуқуқий давлат қуришни ва дунёдаги ривожланган давлатлар қаторидан жой олишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, албатта, Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишимиз ва уни ҳаётимиз қомусига айлантиришимиз лозим. Бунинг учун эса, албатта, ҳуқуқий маданиятимизни юксалтиришимиз керак бўлади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: «Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У — қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсуниш маданияти демакдир».

Шу маънода ҳам O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши келажагимиз бунёдкорлари бўлган ёшларнинг сиёсий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Ўтган даврда шу мавзуда ўндан ортиқ мулоқот, семинар ва тренинг ташкил этилган бўлса, Конституциямизнинг 21 йиллиги муносабати билан вилоятдаги мактаб ва касб-ҳунар коллежларида қизиқарли учрашувлар ўтказиш режалаштирилган.

**МУЛОҲАЗА**

# O`zLiDePга таклифим бор

## Маълумки, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда спортга, айниқса, болалар ва аёллар спортига алоҳида эътибор қаратилаётир



**Заррина АБДУЛЛАЕВА,**
тарих фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

Агар 1996 йилда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланган хотин-қизлар сони 1180 нафарни ташкил этган бўлса, жорий йилда улар сони 3 млн. 237 минг нафардан ошди. Бугун қишлоқ жойларида 2,5 млн. нафардан ортиқ хотин-қиз мунтазам равишда спорт билан шуғулланмоқда. Спорт хотин-қизларнинг жисмонан баркамол бўлишлари, соғлом она сифатида соғлом фарзандни тарбиялаб вояга етказишларида муҳим омил бўляпти. Бу жиҳатлар барча оилалар, айниқса, ёш оилаларга тобора тез сингиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта. Бироқ, шунга қарамай, орамизда ортиқча вазн, остеохондроз, артроз ва артрит каби кассаликлар билан хасталанган опа-сингилларимиз борлигидан кўз юммаслигимиз керак. Буларнинг барчасига камҳаракатлик, жисмоний машқларга эътибор бермаслик сабаб бўлмоқда. Аксарият ҳолларда аёлларнинг оила юмушларидан ортиб, ўзига вақт ажрата олмаслиги ёки айрим маҳаллаларда спорт муассасаларининг йўқлиги ҳам сабабдир.

Ана шуларни эътиборга олиб, ўзини ўзи бошқариш идоралари, маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида аёлларимиз соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида O`zLiDeP «Аёллар қаноти» томонидан тадбирлар ишлаб чиқиш, махсус биноларда гимнастика, тренажёр хоналари ташкил этиш ва бу ишларга тадбиркор аёллар, ҳомийлар жалб этилса, янада яхши бўларди. Ўйлайманки, бу таклиф «Аёллар қаноти» томонидан қўллаб-қувватланса, аёлларимизнинг жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишлари, уларнинг фаоллигини ошиши, жамиятимизда эса соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга ўзига хос ҳисса бўлиб қўшиларди.

# МАҚСАД ЯНГИ ОВОЗЛАРНИ ТОПИШ

**Самарқанд ва унинг атрофидаги ҳудудларнинг асрлар давомида мусиқа йўналишида ҳам ўзига хос анъаналарга эга бўлгани вилоят ҳокимлигининг Маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан ОАВ учун ташкил этилган учрашувда ҳам алоҳида тилга олинди.**

**— Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида миллий ва анъанавий санъат ҳамда мусиқага бўлган эътибор кучайтирилиб, мазкур йўналишларда янги иқтидорларни кашф этишга алоҳида эътибор қаратилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, бошқармамиз томонидан жорий йилнинг ноябрь ойида «Янги овозлар» шиори остида вилоят кўрик-танловини ўтказиш белгиланди, — дейди Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Камолиддин Мизомов. — Мазкур тадбирни ташкил этишдан мақсад — ёш авлод қалбида Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, инсоний фазилатларни тарғиб этувчи санъат асарларини яратишни рағбатлантириш, умуман, Самарқанднинг ўз ижро услубини қайта тиклаш, қолаверса, вилоятда мумтоз мусиқа ижодиёти йўналишларида самарали фаолият юритаётган жамоалар, номлари кўпчиликка таниш бўлмаган иқтидор эгаларини кашф этиш, шу орқали ижрочиларни юксак бадиий мезонлар асосида танлаб олишдан иборат. Муҳими, танлов ташкилотчилари ғолибларни аниқлаш билан чекланиб қолмайдилар. Бинобарин, кўрикдан сўнг бадиий жамоалар фаолиятини ривожлантириш, чолғу ансамбллари, рақс гуруҳлари, яккахон ижрочилар, хор жамоалари, бастакорлары билан доимий алоқа ўрнатиш чораларини кўриш кўзда тутилган.**

**Тадбир ташкилотчилари таъкидлаганидек, фақат бир кун давом этадиган кўрик-танловда ўн ёшли ўғил-қизлардан тортиб, касбидан қатъий назар, санъатга бефарқ бўлмаган барча ҳаваскорлар ҳамда профессионал санъаткорлар иштирок этиши мумкин. Ғолиблар «Миллий мумтоз хонандачилик», «Якка ва созандалар ансамбллари ижрочилиги», «Академик ва хор жамоалари ижрочилиги», «Миллий рақс», «Миллий эстрада», «Фольклор», «Опера» каби номинациялар бўйича аниқланади.**

**Мутахассисларнинг таъкидлашича, вилоят ҳокимлигининг Маданият ва спорт ишлари бошқармасида ташкил этилган махсус штабга кўрик-танловда иштирок этиш ниятида мурожаат қилганлар сони ҳозиргача минг нафардан ошган. Аммо бу ҳали бошланиши, холос. Зеро бугунги кунда вилоятда мавжуд 30 дан ортиқ болалар мусиқа ва санъат мактаби, касб-ҳунар коллежи ва олий ўқув юртларининг мусиқа йўланишида билим олаётганлар орасида ҳам танловда қатнашиш истаги борларнинг топилиши аниқ.**

**Тадбир якунида бундай санъат байрамлари тинчлик ва фаравонлик ҳукм сураётган юртда ўтказилиши, келгусида бундай тадбирларнинг кўламини янада кенгайтириш режалаштирилаётгани таъкидланди.**

Муҳаббат РАВШАНОВА.

# ННТ: ЖАМИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

**Наманганда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форумининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда жамоат ташкилотлари ва идораларнинг масъул ходимлари иштирок этди.**

**Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин ва мустақил фаолият кўрсатиши учун мустаҳкам қонунчилик базаси яратилгани таъкидланди. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги роли ва фаоллигини ошириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.**

**– Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар доирасида ташкил этилган тадбир нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўзаро ва давлат органлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштиришга қаратилган, – дейди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси А.Каримов. – Зеро, муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда самарали ҳамкорлик шакллари ва механизмларини кенгайтириш, бу борада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан конструктив муносабатларни ривожлантириш фуқаролик жамияти қуришнинг асосий омилларидандир.**

**Форумда вилоят соғлиқни сақлаш, халқ таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, солиқ бошқармалари, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фаолияти юзасидан жамоатчилик эшитуви ўтказилди.**

ЎзА.

«XXI ASR» 45 (521)-сон, 7.11.2013 йил, пайшанба, web sayt: www.21asr.uz

Кўп тармоқли
фермер хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотлар аҳоли дастурхонини тўкин қиляпти.

Партиявий лойиҳада
ғолиб чиққан талабаларга жами 37 млн. 800 минг сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар ажратилди.

ПАРЛАМЕНТДА

# «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонун беш ойдан кейин кучга киради

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄



**Бахриддин БЕГЖАНОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Чунки мувофиқликни баҳолаш натижалари истеъмолчилар томонидан маҳсулотларни танлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Истеъмолчи эса маҳсулот сифати ёки хавфсизлигига фақат унга берилган мувофиқлик сертификати орқали ишонч ҳосил қилади.

Бундай долзарб масалаларга оқилона ечим топишда жаҳон стандартларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар мувофиқлигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, кейинги йилларда халқаро миқёсда стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасида мувофиқликни баҳолаш тушунчаси тобора кенг қўлланилмоқда. Бинобарин, миллий ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг халқаро майдонга чиқиши ҳамда экспорт-импорт жараёнларини амалга оширишида синов, назорат ва сертификатлаштириш каби фаолият турларини ўз ичига олган мувофиқликни баҳолаш воситасининг ўрни беқиёсдир.

Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ва 5 октябрда матбуотда чоп этилган кундан эътиборан олти ойдан кейин кучга кириши белгиланган «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги янги қонун ҳам айни шу нуқтаи назардан соҳадаги айрим бўшлиқларни тўлдириб, тизимнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Янги қонун нормаларида Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг мувофиқликни баҳолаш соҳасида ваколатли органлар сифатидаги вазифалари ҳам белгилаб қўйилди. Жумладан, қонунга кўра, ушбу органлар мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этиш, мувофиқликни баҳолаш объектлари рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир таклифларни ишлаб чиқиш, мамлакатимиздан ташқарида ўтказилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини республикамизда тан олиш зарурлиги тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда қатнашиш ваколатларига эга.

Қонунда мувофиқликни баҳолаш жараёнида қўлланиладиган асосий тушунчалар ва принциплар халқаро ҳужжатлар билан уйғунлашган ҳолда белгиланди. Хусусан, аккредитация фаолиятини сертификатлаштириш, мувофиқликни декларациялаш, юклашдан аввалги инспекцияни ёки юкни тушириш инспекциясини амалга ошириш, маҳсулот синови, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосаларини бериш, экологик экспертиза ўтказиш каби фаолият турлари билан қўшиб олиб борилишига йўл қўйилмаслиги кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, қонунда мувофиқликни баҳолаш объектлари, уни амалга ошириш йўллари, баҳолаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ва уни амалга оширувчи органларнинг ваколатлари батафсил очиб берилган.

Янги қонуннинг қабул қилиниши, ўз навбатида, амалдаги «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида» ва «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги халқаро талабларга уйғунлашувини таъминлайди ҳамда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг халқаро майдонда тан олиниши сари жуда муҳим қадам бўлади. Мувофиқликни баҳолаш бўйича миллий қонунчиликнинг халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилиши эса келгусида ягона қоидалар ва мувофиқлик белгисига эга ҳудудий сертификатлаштириш тизимини яратиш, бу борадаги халқаро жараёнларда иштирок этишга имкон туғдиради.

Ана шундай муҳим қонуннинг кучга кириши O`zLiDeP электорати бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш, ташқи бозорда рақобатлаша оладиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга кенг имкониятлар яратади. Шунинг учун ҳам O`zLiDeP фракцияси аъзолари уни мукаммаллаштиришда фаол иштирок этдилар. Натижада партиянинг ҳудудий кенгашлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирларда билдирилган асосий таклифлар якуний ҳужжатда у ёки бу шаклда ўз ифодасини топди.

Зотан, O`zLiDePнинг Сайловолди платформасида партиянинг бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасидаги устувор вазифаларининг дастлабки йўналиши сифатида рақобат қилувчи бозорлар асосини кўп укладли иқтисодиёт ташкил этиши, бунда хусусий мулк етакчи роль ўйнаши лозимлиги аниқ белгилаб қўйилган.

## КОНИМЕХНИНГ АРЗОН ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ

**Конимех туманидаги кўп тармоқли фермер хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотлар аҳоли дастурхонини тўкин қиляпти.**
**— Конимех — Қизилқум сарҳадларида жойлашган чекка ҳудудлардан бири, — дейди O`zLiDeP туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Гулсара Бекмуратова. — Бугун бозорларимиз маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобига тўкин бўлиб турибди. Айни пайтда 15 та кўп тармоқли фермер хўжалигида мева-сабзавот, узум, полиз ҳамда чорва етиштирилаётган бўлса, улар томонидан ташкил этилган гўшт ва сутни қайта ишлаш, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехларида 10 дан зиёд турдаги тайёр маҳсулот бозорга чиқарилмоқда. Масалан, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш фирмасини ишга туширган Нусрат Явқашев ўтган йили 80 миллион сўмлик банк кредити эвазига замонавий технология асосида сутни қайта ишлаш цехини ташкил этган эди. «Обод турмуш йили»да тадбиркор ўз фаолиятини кенгайтириб, 6 турдаги сут, ўн турдаги макарон ва қандолатчилик маҳсулоти ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Энг қувонарлиси, «Конимех қандолат»га 5 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси ишга олинди. Айни пайтда корхона маҳсулотлари болалар боғчалари ва таъминот идораларига ҳам етказиб берилаётир. Туман марказий деҳқон бозори ҳудудидаги махсус дўконда эса барча турдаги маҳсулотлар арзон баҳоларда сотилмоқда.**

Мансур АСЛОНОВ.

# Эртанинг эгалари бугундан фаол

## Қорақалпоғистонда фаолият олиб бораётган 587 та бошланғич партия ташкилотининг 151 тасига ёшлар етакчилик қилмоқда

**Шуҳрат РАҲИМОВ,**
«XXI asr»



O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мутахассисларининг фикрича, партия аъзолари орасида навқирон авлод вакиллари сони ортиб бораётгани либерал-демократик ғояларнинг изчил тарғиб этилаётгани билан боғлиқдир.

— Айни пайтда жами аъзоларимиз ўн бир мингга яқинлашиб қолган бўлса, уларнинг 57 фоизини 34 ёшгача бўлганлар ташкил этяпти, — дейди мазкур бўлим бошлиғи Муҳаббат Аҳназарова. — 2013 йилнинг 9 ойида янги авлод вакилларининг тадбиркорликка қизиқишларини янада кучайтириш, уларга бизнес-режалар ишлаб чиқишда кўмаклашиш мақсадида соҳа мутасаддилари иштирокида 65 маротаба давра суҳбати ва учрашувлар уюштирдик. Эътиборлиси, ана шундай тадбирларда олти минг нафардан ортиқ ёш иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича керакли маълумотга эга бўлдилар. Муҳими, уларнинг аксарияти тадбиркорлик фаолиятини бошлашда партиявий лойиҳаларга таянаётганликларини билдирдилар.

Ҳа, чиндан ҳам O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг Ёшлар билан ишлаш бўлими ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилгани ҳам партиявий лойиҳалар якунида яққол кўзга ташланяпти. Шу ўринда «Ёшлар қаноти» фаолларининг салмоқли қисми Оролбўйи ҳудудидаги 101 та касб-ҳунар коллежи ва 10 та академик лицейда таҳсил олаётган ёшлар эканини ҳам таъкидлаш жоиз. 2012-2013 ўқув йилидаги битирувчиларнинг 14404 нафари ўз ихтисослиги бўйича иш билан таъминланганини ҳам ана шу ҳамкорликнинг амалдаги ифодасидир.

— Бирон-бир лойиҳани амалга ошириш учун инсонга эзгу ғоя, ташаббус ва интилиш керак бўлади, — дейди Муҳаббат Аҳназарова. Мана шу хислатларни ўзида мужассам этган ёшлар ўз мақсадларига эришадилар. Ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ва уларнинг бизнес-режаларига ёрдамлашишда шундай омилларга таяняпмиз. Албатта, бунда қуруқ сўз эмас, балки амалий тадбирлар ҳаракатлантирувчи куч бўлмоқда. Шу маънода, улар фаолиятида O`zLiDePнинг ёшларга оид лойиҳалари муҳим ўрин эгалламоқда, деб айта оламиз.

Дарҳақиқат, Қорақалпоғистонда партиявий лойиҳаларга йилдан-йилга қизиқиш кучайиб бормоқда. Айниқса, 2004 йилдан буён ўтказилаётган «Ишбилармон талаба» ва «Диплом билан — бизнесга» лойиҳалари сабаб кўпгина ёшлар ўз бизнесини йўлга қўйдилар. «Ишбилармон талаба-2013» стипендияси учун ўтказилган танловга 380 дан ортиқ ёшдан аризалар келиб тушгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Танловнинг якуний натижаларига кўра, ўзлари тайёрлаган амалий санъат буюмлари ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлаб чиққан инновацион лойиҳалари билан иштирок этган 3 нафар йигит-қиз ғолиб деб топилди.

Шу ўринда 2012 йили «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида 400 нафар ёш қатнашиб, уларнинг 60 нафари имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлганларини, жорий йилда эса сертификат соҳиблари 20 нафарга кўпайганини таъкидлаш мумкин. Лойиҳада ғолиб чиққан талабаларга жами 37 млн. 800 минг сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи бўлган ёшлар бугунданоқ фаоллик кўрсатаяптилар. Уларга қилинаётган ғамхўрлик ва эътибор эса том маънодаги баркамол авлодни вояга етказишда самарали натижа беряпти, десак хато бўлмайди.

# Сессияда O`zLiDeP ташаббуси қўллаб-қувватланди

## Халқ депутатлари Чироқчи туман кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари тадбиркорлик субъектлари учун электр таъминотини янада яхшилаш мақсадида «Электр тармоқлари» ОАЖ корхонаси туман бўлими фаолияти юзасидан назорат-таҳлил тадбирини ўтказдилар

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ички йўлларни капитал таъмирлаш масаласи ҳам депутатлар томонидан атрофлича ўрганилди. Тайёрланган хулосалар асосида ҳар икки масала ҳам халқ депутатлари туман кенгаши сессиясига киритилди.

Гуруҳ аъзолари «Обод турмуш йили» Давлат дастури мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, «Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида олиб борилаётган ишларни жадаллаштириш» масаласини ҳам ўргандилар. Маълум бўлишича, вилоят Инжиниринг компанияси буюртмаси асосида Паканди қишлоғида 1 та артезиан қудуқ ва 1 та сув минораси қурилиши бўйича 87 млн. сўмлик иш бажарилган. Туман марказидаги 2 та артезиан қудуғи 57 млн. сўм эвазига қайта таъмирланган. «Хўжаабдужаббор» қишлоғида намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйларни ичимлик суви билан таъминлашга 90 млн. сўм сарфланган. 2013 йил учун ишлаб чиқилган қўшимча дастурга асосан яна 5 та қишлоқда ичимлик суви таъминотини яхшилашга 497 млн. сўм ажратилиб, 7 км. сув қувури, 4 та янги артезиан қудуғи ишга туширилган.

Шу ўринда депутатлик гуруҳи аъзолари «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг тумандаги ижросини ўрганиш ва бу борада аниқланган муаммолар ечимига оид тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида «Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланиши — обод турмушнинг муҳим шарти» мавзуидаги давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ўтказганларини айтиб ўтиш жоиз.

— Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш борасида ҳам режали тадбирлар уюштирилмоқда, — дейди халқ депутатлари Чироқчи туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Саъдулла Бобоқулов. — Уларни қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш бўйича қурилиш ишларига жалб этиш, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини, чорвачилик ва деҳқончиликни ривожлантириш учун молия муассасаларидан имтиёзли кредитлар ажратишга ҳам эътибор кучаймоқда. Улуғбек Қодиров, Бахтиёр Жонтемиров, Раҳим Бўриев каби депутатларимиз аҳоли ўртасида партиянинг дастурий мақсадларини тарғиб қилиш орқали кўзда тутилган мақсад ва вазифаларимиз ҳақида кенг маълумотлар бермоқдалар. Аҳолига тадбиркорликнинг аҳамияти, унинг бандлик масаласини ҳал этишдаги роли, фаровонликни таъминлашдаги аҳамияти изчил тушунтирилмоқда. Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли ўтган 9 ойда туманда 224 та юридик, 366 нафар жисмоний шахс рўйхатдан ўтди. Натижада тадбиркорлик субъектлари сони 7626 тадан ошди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш, оилавий тадбиркорлик, деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш эвазига эса 7250 та иш ўрни ташкил этилди.

Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, тарғибот-ташвиқот ишлари билан бирга юртдошларимизнинг мурожаатларига ҳам депутатларимиз жиддий эътибор қаратмоқдалар. Масалан, яқинда Уйшун қишлоқ фуқаролар йиғинидаги фаолларнинг ҳудудда автомобилларга газ қуйиш шохобчасини қуришга амалий ёрдам бериш тўғрисидаги мурожаатига асосан туман ҳокимлигига депутатлик сўрови киритилди. Шунингдек, ёғингарчиликлардан кейин дала ва қирлардан оқиб келаётган сув Чамбил ҚФЙдаги бино ва иншоотларга зиён етказаётгани ҳақидаги мурожаат «Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, коммунал хўжалиги масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссия» йиғилишида муҳокама қилиниб, Фавқулодда вазиятлар бошқармасига депутатлик сўрови юборилди. Шундан кейин халқ депутатлари туман кенгаши сессиясига «Тумандаги айрим иншоот ва аҳоли уй-жойларига дала ва қирлардан оқиб келаётган сел зарарининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» масала киритилди. Энг муҳими, муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, улар ижроси назоратга олинди.

Бундан ташқари, депутатлар томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ҳамда 2013 йилги Инвестиция дастури, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам назорат қилиняпти. Айни пайтда депутатлик гуруҳи ана шу масалани муҳокама қилишга тайёргарлик кўрмоқда.

O`zLiDeP вилоят кенгаши мутасаддилари, фаол БПТ раислари иштирокидаги йиғилишларда «Обод турмуш йили»да барча бўғиндаги партия тузилмаларининг ташкилий, ахборот-таҳлилий, тарғибот-ташвиқот ва амалий тадбирларини янада такомиллаштириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди.

Ҳа, чиндан ҳам Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида O`zLiDeP аъзолари, депутатлар ва қуйи бўғин фаоллари томонидан олиб борилаётган ишлар самара бермоқда. Бу эса сайловлар даврида O`zLiDeP вакилларига ишонч билдирган сайловчилар ва электорат вакилларининг партия билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамламоқда.



**Сиёсий таълим тизимини** такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



**Ишни аниқ** режа асосида олиб бориш кўзланган мақсадларга эришиш омилидир.



**35 нафар фаол** йигит-қизни жамлаган қуйи бўғин вилоятдаги 318 та БПТ орасида ҳам ўз ўрнига эга.


КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ташкилотларида

**45 (521)-СОН,** 2013 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА


## «Бекажон Ян»нинг ташаббускор бекаси

### ҳам тадбиркор, ҳам партия фаоли сифатида кўпчиликка ўрнак бўляпти

**Беҳзод ИСРОИЛОВ,**
«XXI asr»



Инсон қачон ўзини бахтли ҳис этади? Қачонки, юртида тинчлик ва осойишталик ҳукм сурса, ҳаётда ўз ўрнини топиши, истеъдоди ҳамда салоҳиятини рўёбга чиқариши учун қулай шароит яратилган бўлса. Бундан ташқари, меҳнати муносиб тақдирланса, энг муҳими — эртанги кунга ишонч мустаҳкам бўлса.

Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида истиқомат қилаётган Эркиной Мамажонова ана шундай юртдошларимиздан бири.

У ўн йилча муқаддам икки нафар тикувчи билан бизнесга қўл урган эди. Ўшанда тадбиркор учун мамлакат сиёсий майдонида O`zLiDePнинг пайдо бўлиши ўз хатти-ҳаракатлари замиридаги мақсадни янада теранроқ англашига сабаб бўлди.

Шу тариқа «Бекажон Ян» хусусий корхонасида бошланғич ташкилотга асос солинди. Бугунга келиб 35 нафар фаол йигит-қизларни жамлаган ушбу қуйи бўғин вилоятдаги 318 та БПТ орасида ҳам ўз ўрнига эга.

Саккиз ярим мингга яқин O`zLiDeP аъзоси бўлган Сирдарёда Эркиной Мамажоновага ўхшаган ташаббускор инсонлар кўпчиликни ташкил этади. Айни пайтда улар либерал-демократик ғояларни изчил тарғиб этмоқдалар. Айниқса, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш партиянинг асосий вазифаларидан бири эканига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ташаббус» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг яхши ҳунарманд», республика босқичида эса «Энг яхши тадбиркор аёл» йўналишида ғолиб бўлган Эркиной кийим-кечак тикиш билан бирга қандолатчилик, сартарошлик соҳасида ҳам самарали иш юритяпти. Корхонанинг узлуксиз кенгаяётганлигини 2012 йилда 16 та, жорий йилда эса 10 та янги иш ўрни ташкил этилганида ҳам кўриш мумкин.

Ўтган ойда БПТ аъзолари ташаббуси билан «Маърифат» МФЙ ҳудудидаги фойдаланилмаётган бир гектар ер ўзлаштирилиб, турли дарахт кўчатлари экилди. Бир сўз билан айтганда, қаровсиз жойда янги боғ барпо бўлди.

Шу ўринда Эркиной Мамажонова Истиқлолимизнинг 22 йиллиги арафасида «Шуҳрат» медали билан тақдирланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Мамлакатимизда аёлларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик биз учун янгидан-янги имкониятлар очяпти, — дейди суҳбатдошимиз. — Мана, бир мисол. Миллий сайлов қонунчилигида аёллар учун 30 фоизлик квота жорий этилгани ғайратимизга-ғайрат қўшиш билан бирга зиммамизга жуда катта масъулият ҳам юклайди.

Айни кунларда Эркиной Мамажонова етакчилик қилаётган БПТ аъзолари янгиерлик партия фаоллари билан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳияти, унда хусусий сектор вакиллари учун белгиланган имтиёз ва имкониятларни кенг тарғиб этиб, тадбиркорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш учун бор имкониятларини ишга солаяптилар. Яъни, партия фаолларини янада янги ташаббусларга даъват этмоқдалар.

### O'ZLIDEP уставидан

**БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ҲАМДА ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА АХБОРОТНИ ЖАМОАТЧИЛИККА ЕТКАЗИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРАДИ, БУ БОРАДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР БИЛАН БЕВОСИТА ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ.**

## ФАОЛЛАР ҲАР ЖОЙДА БОР

**— Туманимизда 517 нафар сафдошимизни бирлаштирган 32 та бошланғич партия ташкилоти бор, — дейди O`zLiDeP Қизилтепа туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Дониёр Муродов. — Улар орасида Аму-Бухоро каналининг Қизилтепа бошқармасида иш юритаётган БПТнинг ўрни алоҳида.**

**Дарҳақиқат, бир қарашда оддий ҳолатдек туйилса-да, БПТ хонасида махсус кутубхона ташкил этилгани, аъзолар эса туман миқёсида ўтказилаётган барча тадбирларда фаол қатнашаётгани эътиборни тортади.**

**— Жамоа ишини самарали ташкил этиш, аҳоли орасида партиявий-сиёсий тадбирларни изчил уюштириш, электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларни дастлаб депутатлик гуруҳи, кейин эса халқ депутатлари туман кенгаши сессияларига олиб чиқишда депутатлик гуруҳи аъзоси, бош муҳандисимиз Савриддин Сатторов ташаббус кўрсатмоқда, — дейди БПТ етакчиси Ислом Маҳмудов. — Яқинда «Оилавий бизнесни ривожлантириш: мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзуидаги давра суҳбати ҳам айнан ана шу депутатимиз таклифи билан ташкил этилди.**

**Чинакам ташаббускор, қатъиятли одамлар аъзо бўлган мазкур БПТнинг тумандаги қуйи бўғинлар орасида ҳам нуфузи тобора ошяпти. Яқинда партия аъзолигига қабул қилишни сўраб, ушбу БПТга яна уч ирригатор ариза берди.**

Мансур АСЛОНОВ.

## САФЛАР КЕНГАЙМОҚДА



**Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Қашқадарё вилоят бошқармасидаги O`zLiDeP бошланғич ташкилоти ўз атрофига 15 нафар партия аъзосини бирлаштирган. Улар Қарши шаҳридаги маҳалла, корхона ва ташкилотларда тез-тез бўлиб, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш, аҳолининг бандлик даражасини ошириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида юздан ортиқ янги иш ўрни барпо этилди. Таъкидлаш жоизки, БПТ атрофига кўплаб изланувчан, ташкилотчи йигит-қизлар жалб этилган. Улар партиявий бурчга масъулият билан ёндашиб, белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ислоҳотлар моҳиятини одамлар онгига етказиш йўлида куч-ғайратларини аямаяптилар.**

**— Энг муҳими, жойларда партиямиз ва унинг келажагига бўлган ишонч тобора мустаҳкамланмоқда, — дейди БПТ раиси Санжар Содиқов. — Бу эса унинг сафларини янада кенгайтириш имконини бераётир.**

Сайфулла ИКРОМОВ.

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ЯНГИ БПТ

**— O`zLiDeP мулкдорлар манфаатини ифодалайди. Шу боис ҳам унинг ғоя ва мақсадлари қалбимизга яқин, — дейди Қуйи Чирчиқ туманидаги «Эсонбоев Тўйчи» фермер хўжалиги раҳбари, O`zLiDeP аъзоси Тўйчи Эсонбоев. – Ҳозир хўжалигимизда партиянинг қуйи бўғини фаолият юритмоқда. Аъзолар сони 12 нафарга етди. Партия Уставида белгиланганидек, ишни аниқ режа асосида олиб бориш кўзланган мақсадларга эришиш омилидир. Шу туфайли БПТнинг дастлабки йиғилишига халқ депутатлари туман кенгашига O`zLiDePдан сайланган депутатлар, партия фаоллари таклиф этилиб, улар билан ғоявий-сиёсий ишлар самарадорлигини ошириш, электорат сафларини янада мустаҳкамлаш юзасидан атрофлича фикр юритилди.**

Зиёдулла МЎМИНОВ.

СИЁСИЙ ТАЪЛИМ МАРКАЗИДА

## Кучли кадрлар кучли партия таянчидир

**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан жорий йилнинг ўтган даврида партия турмуши масалаларига бағишланган 3 та сайёр йиғилиш, 25 та ўқув-семинари, 33 та давра суҳбати ташкил этилди.**

**Янгибой КЎЧҚОРОВ,**
«XXI asr»



— Уларда асосий эътибор «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор йўналишлар ижросини таъминлашда партия аъзолари олдида турган долзарб вазифаларга қаратилди, — дейди марказ раҳбари Б.Даулетниязов.

Жўқорғи Кенгесга сайланган 6 нафар, туман (шаҳар) кенгашларининг 98 нафар депутати ҳамда 485 нафар БПТ етакчиси иштирок этган тадбирларда 1400 нафардан зиёд партия фаоли турли мавзуларда маърузалар тинглади. Ўқувларга 176 нафар фермер, 165 нафар ННТ вакили, 28 нафар тадбиркор жалб этилди. Жами уч мингдан зиёд киши иштирок этган сиёсий ўқувларда мамлакатимизда рўй бераётган муҳим воқеалар, парламентнинг қонунчилик фаолияти, маҳаллий кенгашлар иши атрофлича муҳокама қилинди. Масалан, Беруний қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида ташкил этилган очиқ мулоқотда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг мазмун-моҳияти ва O`zLiDeP зиммасидаги вазифалар таҳлил этилган бўлса, Кегейли маиший хизмат касб-ҳунар коллежи, Шуманай тумани «Сарманбайкул» маҳалла фуқаролар йиғини, Тўрткўл туман ҳокимлиги, O`zLiDeP Амударё туман кенгаши, Нукус Агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўтган тадбирлар Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўрганишга бағишланди. Шунингдек, «Миллий ўзликни англаш ва ёшларни огоҳликка даъват этиш», «Ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва гиёҳвандликка қарши курашиш», «Оммавий маданиятнинг ёшлар тарбиясига салбий таъсирига қарши ғоявий курашиш» мавзуларида ҳам турли мулоқотлар уюштирилди.

— Барча тадбирларимизда Концепцияда баён этилган ғоялар, белгилаб берилган йўналишлар мазмунини тушунтириш бош вазифа бўлмоқда, дейди Б.Даулетниязов. — Ҳа, чиндан ҳам сиёсий партия аъзолари, БПТ етакчилари, маҳаллий кенгаш депутатларининг билими ва тажрибасини ошириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилаётган Сиёсий таълим маркази O`zLiDeP кадрлар захирасини ёш, иқтидорли ва ташаббускор кишилар билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўшаётир. Бу ерда Сиёсий таълим тизимини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни чоғда марказ аъзолари туман кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида махсус семинар-тренинглар ўтказмоқдалар.




«XXI ASR» 45 (521)-сон, 7.11.2013 йил, пайшанба, web sayt: www.21asr.uz

Ички бозорни
тўлдиришга доир лойиҳалар учун эса 160,7 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Қулай бизнес муҳити,
мавжуд имтиёз ва имкониятлар Оролбўйи корхоналари иқтисодий равнақида муҳим омил бўлмоқда.

БАНК ТИЗИМИ

Реклама ўрнида




# Сармоялар — иқтисодиётнинг устувор соҳаларига

## 2013 йилнинг ўтган даврида «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 391 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди



Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар натижасида аҳоли турмуш фаровонлиги юксалиб бормоқда. Дунёнинг тараққий этган давлатлари тажрибасидан аёнки, ушбу соҳа ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда катта имкониятларга эгадир.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида кичик бизнесга ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробардан зиёд, яъни 391,3 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилгани эса мамлакат молия бозорида ўз мавқеига эга бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоасининг ҳам ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратаётганини кўрсатади. Шундан микрокредитлар 38,6 млрд. сўмни ташкил этди. Энг асосийси, ана шу маблағлар ҳисобига 9 мингта янги иш ўрни яратилди.

Банк томонидан имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларининг 6,9 млрд. сўмлик лойиҳалари молиялаштирилгани ҳам таҳсинга лойиқ. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар кўп, яъни 34,8 млрд. сўмлик кредитлар йўналтирилди.

— Касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорликка жалб этишда ҳам молия муассасамиз фаол иштирок этмоқда, — дейди банк ахборот хизмати вакили Азиз Мансуров. – Шу ўринда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиб, уларнинг истиқболли лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ҳар йили махсус танловлар ўтказилаётганини таъкидлаш мумкин. Ҳисобот даврида ана шундай лойиҳалар учун 4,7 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди. Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга эса 24 млрд. сўмлик кредит йўналтирилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, аҳолига маҳаллий товарлар, жумладан, юмшоқ ва ошхона мебеллари, маиший техника воситалари харид қилиш учун 9,2 млрд. сўмлик истеъмол кредитлари ажратди. Айниқса, бундай имкониятлардан ёш оилалар кўпроқ фойдаланмоқдалар. Бундан ташқари банк 120 нафар мижозига 9,7 млрд. сўмлик ипотека, 1298 кишига 7,1 млрд. сўмлик истеъмол ҳамда 550 нафар мижозга 11,2 млрд. сўм миқдоридаги микрокредитлар ҳам ажратди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга эса 5,6 млрд. сўм ҳажмдаги сармоя йўналтирилди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга 3,9 млрд., чорвачиликка 8 млрд., паррандачиликка 6,3 млрд., балиқчиликни кенгайтиришга 0,9 млрд. ҳамда асаларичиликни самарали йўлга қўйиш учун 194,9 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари сарфланди.

Бундан ташқари, хотин-қизларнинг уй меҳнатини енгиллаштириш учун маиший ва ошхона электр жиҳозларини сотиб олишга 2,6 млрд. сўм миқдорида истеъмол кредитлари берилиб, белгиланган режа ортиғи билан бажарилди.

Шу ўринда банкнинг лизинг амалиёти бўйича олиб бораётган ишларига ҳам тўхталиб ўтсак. Айтиш жоизки, жорий йилнинг октябрь ҳолатига амалга оширилган лизинг амалиётлари портфели 29,1 млрд. сўм бўлиб, банк биринчи даражали капиталининг 7,6 фоизини ташкил этди. Ушбу маблағларнинг 18 фоизи саноат, 21 фоизи қурилиш, 30 фоизи қишлоқ хўжалиги, 13 фоизи транспорт ва коммуникация, қолган қисми моддий-техник таъминот, маиший хизмат ҳамда бошқа тармоқлар учун йўналтирилган. Хуллас, ўтган даврда 14,6 млрд. сўм миқдорида лизинг амалиётлари бажарилди.

Банкнинг чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ. Ҳисобот даврида 464 та ана шундай хўжалик субъектига айланма маблағларни тўлдириш учун 45,4 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда ички бозорни тўлдиришга доир лойиҳалар учун эса 160,7 млрд. сўмлик маблағлар йўналтирилди.

Мухтасар айтганда, «Ўзсаноатқурилишбанк» сармоялари иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини ривожлантириб, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

**Ш.НАЗАРОВ тайёрлади.**

# Риштон тажрибаси

## Фарғона вилоятининг Риштон туманида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» ва «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунлар ижроси қатъий назоратга олингани боис тадбиркорлик изчил ривожланмоқда

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ,**
«XXI asr»

Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда қабул қилинган бир қатор қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш соҳани нафақат сон, балки сифат жиҳатдан янада мустаҳкамлаш имконини берди. Шу ўринда янги таҳрирдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонини алоҳида тилга олиш мумкин.

Томчида қуёш акс этганидек, кичик бизнеснинг катта имкониятлари Риштон тумани мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ хусусий сектор вакилларининг туман иқтисодиётига қўшаётган улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 32,1 фоиз, қурилиш соҳасида 99, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда 98,1, хизмат кўрсатиш тизимида тадбиркорлар улуши 95,5 фоизга етди. Бу илғор ташаббусларнинг қўллаб-қувватланиши ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Туманда 514 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти, шунингдек, 665 фермер хўжалиги томонидан жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 28 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Савдо, пазандачилик ва кулолчиликка ихтисослашган 35 та оилавий корхона иш олиб бораётир.







Шу ўринда «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, аҳолининг тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини рағбатлантириш, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун ўтган давр мобайнида тижорат банклари томонидан 11 млрд. 527 млн. сўм кредит ажратилганини қайд этиш лозим. Сармояларнинг 2 млрд. 846 млн. сўми саноат, 1 млрд. 594 млн. сўми хизмат кўрсатиш, 1 млрд. 915,4 млн. сўми озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилди. Бошқа соҳаларга ажратилган маблағлар эса 5 млрд. 172 млн. сўмни ташкил этди.

Бу давлатимиз раҳбарининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик биз учун ўткир бўлиб турган аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этишда ўзига хос локомотив, мамлакатимизда энг йирик меҳнат бозори, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришнинг асосий омили, миллионлаб одамлар учун даромад ва фаровонлик манбаи ҳисобланади» деган сўзлари ҳаётимизда ўз исботини топаётганидан далолат, албатта. 180 минг киши истиқомат қилаётган Риштонда ҳам мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, маҳаллий хом ашё ҳисобига ишлайдиган кичик корхоналар тармоғини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис жорий йилнинг ўтган даврида 3770 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Ислоҳот талабларидан келиб чиқилиб, туманда уй-жой қурилишини жадаллаштириш, турмуш маданиятини юксалтиришга ҳам ҳар қачонгидан катта эътибор қаратилмоқда. 2010-2012 йилларда намунавий лойиҳа асосидаги 141 та уй-жой фойдаланишга топширилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Жорий йилда эса 45 та хонадонда уй тўйларини ўтказиш кўзда тутилаётир.

Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори соҳа тараққиёти учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда, дейди туман ҳокими Ғайратали Мамадалиев. — Бунинг самараси ўлароқ, тадбиркорларимиз учун янгидан-янги имкониятлар вужудга келяпти. Илгари улар ўз маҳсулотларини асосан яқин ва қўшни давлатларга сотишган бўлса, эндиликда ҳамкорлик доираси кенгайиб, дунёнинг ривожланган мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган уч чораги мобайнида тумандаги ихтисослашган икки корхона, шунингдек, тадбиркорлик ва ҳунармандчилик субъектлари томонидан 6 млн. 889 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

**33 гектарли ҳудудда 332 нафар ҳунарманд-устанинг ҳар бирига 0,6 сотихдан жой ажратилиб, ҳунармандлар шаҳарчаси бунёд этилди.**

Маълумки, ҳунармандчилик халқимизга хос қадриятлар, оилавий анъаналарни ўзида мужассам этган амалий санъат турларидан биридир. Истиқлол шарофати билан бу соҳада ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Бу ҳақда сўз борганда Риштон кулолчилик мактабига тўхталмасдан илож йўқ. Зеро Ўзбекистон Бадиий академияси аъзолари, тажрибали усталар Музаффар Саидов, Набижон Қодиров, Йўлдошали Полвонов, Баҳодиржон Исомов, Алишер Назиров, Иброҳимжон Комилов, Рустамжон Усмонов бошлаган хайрли амаллар авлоддан-авлодга ўтиб, тобора сайқал топмоқда. Айни кунда туманда 3 мингга яқин ҳунарманд-уста меҳнат қилаётгани ҳам кўп нарсадан далолат беради. Таъкидлаш жоизки, амалий санъат вакилларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун қулай шарт-шароит яратиш диққат марказида турган масалалардан биридир. Буни Фарғона вилоят ва Риштон туман ҳокимликлари ташаббуси билан «Навбаҳор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида туман Ҳунармандлар уюшмасига қарашли чиннисозлик ва кулолчилик Саноат марказига асос солинганида ҳам кўриш мумкин. Шу тариқа 33 гектарли ҳудудда 332 нафар ҳунарманд-усталарнинг ҳар бирига 0,6 сотихдан жой ажратилиб, ҳунармандлар шаҳарчаси бунёд этилди.

Ушбу марказ табиий газ, электр қуввати, тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган. Мавжуд 4 та газ тақсимлаш шохобчасининг 2 таси вилоят ҳокимлиги, қолгани эса тадбиркорларнинг шахсий маблағи ҳисобидан барпо этилди.

Кейинги икки йил мобайнида Саноат марказида меҳнат қилаётган ҳунармандларга банк муассасалари томонидан 1 миллиард сўмга яқин кредит ажратилгани эса улар фаолиятини ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Натижада чинни буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 180 та цех қурилиб, фойдаланишга топширилди. Яна 60 таси жадаллик билан барпо этилмоқда. Энг муҳими, ҳунармандларнинг саъй-ҳаракати билан айни кунда 100 хилдан зиёд чинни, сопол ва бошқа кулолчилик буюмлари ишлаб чиқарилиб, ички ҳамда ташқи бозорга етказиб берилаётир.

Риштон тажрибаси ҳар қанча оммалаштиришга арзийди, — дейди уста кулол Одилжон Саидов. — Чунки бу барча учун манфаатлидир. Ўзимдан қиёс. 4 нафар фарзандим — Саидбек, Далярбек, Ситорахон, Ҳилолахон доимий иш билан таъминланган. Маҳсулот тайёрлаш учун зарур бўладиган хом ашё —майдаланган тош, каолин асосан Қашқадарё ва Ангрендан келтирилади. Ойлик даромадимиз 1,5-2 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Шунга ўхшаш дил сўзларини яна бир тажрибали уста Абдулҳақ Мадаминовдан ҳам эшитдик. Маълум бўлишича, у тўрт нафар фарзанди ва куёви билан хум, кўза, гултувак, туздон, сувдон каби рўзғор буюмларини ясашар экан.

Маҳсулотлар нархи турига қараб 3 мингдан 70 минг сўмгача. Албатта, харидорлар ўзига ёққанини сотиб олишади. Хорижий давлатлардан келганларга эшигимиз ва кўнглимиз доим очиқ, — дейди моҳир кулол.

Аслида ҳам шундай. O`zLiDeP туман кенгаши раиси ўринбосари Қудратжон Ҳожиатовнинг таъкидлашича, ҳунармандлар орасида ғоявий-сиёсий ишлар ҳам изчил олиб борилябти. Бу борада Фарҳоджон Ҳайдаров, Нодир Давлатов, Аҳлиддин Эргашев, Бахтиёр Мадисаев каби фаолларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

— Ҳалол меҳнатнинг гашти бошқача, — дейди туман Ҳунармандлар уюшмаси раиси Жамолиддин Эргашев. — Мана, ҳаётий бир мисол. Президентимиз соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2013» танловининг туман босқичида асли касби шифокор бўлган, Бужай қишлоғида яшовчи уста Усмонали Тошпўлатов «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси бўйича фахрли 1-ўринни эгаллаб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Айтиш керакки, туман ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан чиннисозлик ва кулолчилик Саноат маркази ҳунармандларини маънавий рағбатлантириш мақсадида йилига икки марта махсус савдо ярмаркалари ўтказиб келинмоқда. Ярмарка доираси тобора кенгайиб бораяпти. Яқин келажакда марказни янги ва замонавий ускуналар билан таъминлаш, қўшимча газ қувурлари тортиш, ички йўлларни асфальтлаш, хом ашё учун сарфланадиган харажатларни янада камайтириш режалаштирилмоқда.

Ҳа, чиндан ҳам риштонликлар истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб, ёрқин келажак сари дадил одим ташламоқдалар. Уларнинг меҳнат ва изланишларидан ҳар қанча ибрат олса арзийди. Риштон кулолчилик мактабининг ижодий тажрибаси эса жойларда чуқур ўрганилиб, амалиётга татбиқ этилишига ишончимиз комил.

# БАНК КЎМАГИ — КОРХОНА ТАЯНЧИ

**Мамлакатимизда яратилган қулай бизнес муҳити, мавжуд имтиёз ва имкониятлар Оролбўйи корхоналари иқтисодий равнақида муҳим омил бўлмоқда.**
**Нукус шаҳрида 2011 йилда фаолият бошлаган «Табийғий ишимликлер» масъулияти чекланган жамиятида дастлаб квас ишлаб чиқарилар эди. Эндиликда асосан ёшлар меҳнат қилаётган корхонада «Асака» давлат акциядорлик тижорат банкидан олинган кредит эвазига замонавий технологиялар ўрнатилиб, қадоқланган тоза ичимлик суви ва яхна чой ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**



Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

**Бир миллиардга яқин киши** очликдан азият чекаётгани ҳам муаммонинг нақадар жиддий эканидан далолат беряпти.

**Халқаро экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 2050 йилга бориб дунё аҳолиси сони 10 миллиардга етади. Бу эса ғалла ҳосилдорлигини икки баробар оширишни талаб этади**



# АСР МУАММОСИ

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»

Бугунга келиб аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш, айрим ҳудудларда вужудга келган очлик муаммосини ҳал этиш ҳаёт-мамот масаласига айланди, десак муболаға бўлмайди. Айрим манбаларда бир миллиардга яқин киши очликдан азият чекаётгани қайд этилаётгани ҳам муаммонинг нақадар жиддий эканидан далолат беряпти. Зеро егуликка бўлган талаб етиштирилган ҳосилга нисбатан анча юқори экани боис дунё бозорида шоли, буғдой ва маккажўхори каби асосий маҳсулотлар нархи тобора ўсмоқда.

БМТ маълумотларига қараганда, жорий йилда дон етиштириш ўтган йилга нисбатан 7 фоизга ўсган. Шунинг ҳисобига июнь ойида ғалла нархи бироз пасайди ҳам. Аммо бу мавжуд вазиятни юмшатиш имконини бермади. Чунки ғалла сотиб олувчи мамлакатлар жорий йилда ушбу маҳсулотларга кўпроқ эҳтиёж сеза бошладилар. Бу борада айниқса Миср, Индонезия ва Нигериядан жуда катта талаб тушганини таъкидлаш мумкин. Асосий экспортчилар бўлган АҚШ ва Россия ҳукумати эса ўз худудида етиштирилган донни сотишга шошилмаяпти. Бундай ёндашув маълум вақт ўтгач, нарх-навонинг янада кўтарилишига олиб келиши мумкин.

Аксарият таҳлилчилар эса дунё жамоатчилигини ташвишга солаётган озиқ-овқат муаммосига асосан иқтисодий ва экологик омиллар сабаб бўлаётганини таъкидлашаётир. Чунончи, кейинги ярим аср давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсган бўлса-да, аграр тизимнинг талаб даражасида ривожланмагани атроф-муҳит ва экологик барқарорликка ҳам таъсир кўрсатди. Бундан ташқари дунёнинг айрим мамлакатларида кечаётган қуролли тўқнашувлар ҳам озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондиришга тўсқинлик қилаётир.

Экспертларнинг фикрича, очликдан қутулишнинг ягона йўли бу қишлоқ хўжалиги соҳасининг нодавлат нотижорат ташкилотлар ва хусусий сектор вакиллари билан ҳамкорлигини янада кучайтиришдадир. Кўплаб ННТлар бу борада аҳолига ёрдам бериш учун ўз имкониятларини ишга солаётир. Масалан, БМТнинг Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури доирасида «учинчи сектор» вакиллари қуролли тўқнашувлар содир бўлаётган минтақа аҳолиси ҳамда табиий офатлар оқибатида очлик гирдобида қолганларга ёрдам қўлини чўзаяпти. Ўтган йили бир қатор мамлакатларга ёрдам тариқасида беш миллион тоннадан зиёд озиқ-овқат етказиб берилгани ҳам шундан далолатдир.

Албатта, озиқ-овқат маҳсулотлари қимматини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. 2050 йилга бориб дунё аҳолиси 10 миллиардга етиши тўғрисидаги башоратларга қулоқ тутсак, бутун-бутун халқлар ва мамлакатлар тақдири ана шу муаммони қай даражада ҳал этилишига боғлиқ экани аён бўлади. Қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича тадқиқотчилар озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг энг самарали йўли сифатида экин майдонларини кўпайтириш эмас, балки унумдор ерларнинг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланиш эканини таъкидлашаётир. Озиқ-овқат маҳсулотларини у ёки бу даражада экспорт қилишга қодир АҚШнинг аграр соҳага ихтисослашган айрим штатларида ҳам қурғоқчилик ва ўрмон ёнғинлари, Япония, Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатларда эса сув тошқинлари рўй бергани оқибатида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб янада ошди.

**Ҳосилдорликнинг пасайишига инсониятнинг ўзи ҳам сабаб бўляпти. Ўрмонларнинг аёвсиз кесилиши, денгиз ва дарёларни ифлослантириш, ҳосилдорликни ошириш мақсадида унумдор ерларда турли кимёвий моддаларни ҳеч қандай меъёрларга амал қилмай қўллаш ана шундай оқибатларни келтириб чиқаряпти.**

Дунё миқёсида долзарб мавзуга айланган озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи бирон-бир давлатни четлаб ўтмаяпти. Шу боис мамлакатимизда ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган. Амалга оширилган изчил чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари – гўшт, сут, тухум ва мева-сабзавот етиштириш имконияти тобора кенгаймоқда.

Агар ўтган асрнинг 90-йиллари бошида доннинг 80 фоиздан ортиғи четдан сотиб олинган бўлса, бугунги кунда кенг кўламли ислоҳотлар туфайли халқимиз дастурхонида бу азиз неъматнинг мўл-кўллиги таъминланди. Биргина 2013 йилда ғаллакорларимиз 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд дон йиғиштирдилар. Ғаллачиликнинг ривожи чорвачилик ва паррандачилик каби тармоқларга ҳам ижобий таъсир этиб, аҳоли эҳтиёжи учун гўшт, сут, тухум етиштириш даражаси муттасил ортяпти.

Халқимизда бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил, деган нақл бор. Минг шукурки, она юртимиздаги барқарорлик, соҳани изчил ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган ислоҳотлар ўз самарасини беряпти.

Таҳлилчилар кейинги уч йилда дон нархи кескин кўтарилганини, шакарнинг баҳоси эса мисли кўрилмаган даражада ошганини қайд этмоқдалар. Аммо вазиятнинг бундай тус олишига фақат табиат инжиқликларини рўкач қилиш тўғри эмаслиги ҳам бежиз таъкидланмаяпти. Зеро ҳосилдорликнинг пасайишига инсониятнинг ўзи ҳам сабаб бўляпти. Ўрмонларнинг аёвсиз кесилиши, денгиз ва дарёларни ифлослантириш, ҳосилдорликни ошириш мақсадида унумдор ерларда турли кимёвий моддаларни ҳеч қандай меъёрларга амал қилмай қўллаш ана шундай оқибатларни келтириб чиқаряпти.

Тан олиш жоиз, озиқ-овқат мўл ва арзон бўлган кезларда қишлоқ хўжалигига эътибор сусайди. Аммо бугунги кунга келиб ерлардан унумли фойдаланиш орқали ҳосилдорлик оширилмаса, озиқ-овқат маҳсулотларининг баҳоси кўтарилаверади. Иқтисодчиларнинг таъкидлашича, бундан айрим мамлакатлар аҳолиси, айниқса, Африка ва Лотин Америкасидаги қатор мамлакатлар кўпроқ азият чекяпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ «Қора қитъа»нинг шимолий ҳудудларида қарийб 15 миллион киши озиқ-овқат маҳсулотларига муҳтож экани айтилмоқда. Конгода эса очларнинг умумий миқдори жами аҳолининг 75 фоизини ташкил этаётир. Бундан ташқари Гаити, Мали, Судан, Сомали ва Нигериянинг 4 миллионга яқин фуқароси шошилинч ёрдамга муҳтож. Бунга мазкур минтақаларда қишлоқ хўжалиги соҳаси бошқа мамлакатларга нисбатан ортда қолаётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга «Қора қитъа»даги вазиятнинг қалтислигига иссиқ иқлим ва қурғоқчилик, шунингдек, зараркунанда ҳашаротларнинг ҳосилни нест-нобуд қилаётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Шу боис ушбу мамлакатларга озиқ-овқатнинг асосий қисми четдан келтириляпти.

Ботаник олимлар ўсимликларни турли касалликлардан асраш ҳам вазиятни юмшатиши мумкинлигини айтишмоқда. Шу боис Африка қитъасида ғаллани емираётган вирусларга қарши чидамли уруғ турини яратиш устида иш олиб борилаётир.

Шу ўринда африкалик деҳқонларнинг бир гектар ерга ўн уч килограмм ўғит ишлатишлари, Ҳиндистонда эса бу кўрсаткич ўртача 140, Европада 250 килограммни ташкил этишини айтиш мумкин. Шу билан бирга, Африкада экин экиладиган ерларнинг атиги 5 фоизи ирригация тармоқларига эга эканини ҳам унутмаслик лозим. Таҳлилчиларнинг фикрича, ушбу муаммолар бартараф этилса, минтақада экин майдонларини кўпайтирмасдан туриб ҳам ҳосилдорликни ошириш мумкин.

Аммо, ана шундай хулосаларга қарамай, айрим сиёсатчилар вазият шу зайлда давом этаверса, йиллар ўтиб, дунё аҳли озиқ-овқат инқирозига юз тутишини таъкидлашда давом этмоқдалар. Бошқа бир тоифа мутахассислар эса асосий озиқ-овқат маҳсулоти саналган буғдой тақчиллиги ўрнини бошқа бошоқли экинлар, масалан, маккажўхори ёки шоли эгаллаши мумкинлигига эътибор қаратаяптилар. Бироқ бу фикрлар ҳозирча ўзини оқламаяпти. Чунки маккажўхорининг нархи ҳам жаҳон бозорида 60 фоизгача кўтарилиб кетди.

Шу ўринда Ғарб мамлакатларида экинларнинг маълум қисми энергетик хом ашё ишлаб чиқаришга сарфланаётганини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Бу эса вазиятни янада чигаллаштирмоқда. Натижада жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, ғалла ҳисобига олинадиган ёнилғи ҳажми йил сайин ортиб боряпти. Кимёгарлар эса биоёнилғини синтетик маҳсулотлардан олиш йўлга қўйилмас экан, вазият ўзгармаслигини башорат қилмоқдалар.

Нима бўлганда ҳам, бугун дунё миқёсида очлар ва тўқлар ўртасидаги тафовут чуқурлашиб бормоқда. Шу боис бундай вазиятда ҳар қандай манфаатларни четга суриш, буғдой захирасига эга мамлакатларнинг мўмай даромад олиш илинжида нархларни сунъий оширмаслиги, экспортга эса турли чекловлар қўймасликлари талаб этилмоқда. Энг асосийси эса дунёда экин майдонлари қисқараётганини баҳона қилмай, муаммога чуқурроқ эътибор қаратиш лозимлиги қайта-қайта тилга олинмоқда. Акс ҳолда...

## ВАҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР

### ВЕБ-ҚАРОҚЧИЛАРНИИГ УЙИ КУЙДИ

**Японияда интернет-қароқчилигига қарши янги қонун кучга кирди. Унга кўра, жаҳон глобал тармоғига лицензияланмаган маҳсулот жойлаштирган, қолаверса бундай маҳсулотлардан фойдаланган кишилар катта жаримага тортилиб, қамоқ жазосига маҳкум этилади. Қонунда белгиланишича, интернетга маълумот ва маҳсулотларни ноқонуний жойлаштирган шахслар ўн йилгача қамоқ жазоси ва ўн миллион иенагача (130 минг АҚШ доллари) жаримага тортилса, бу маълумотлардан фойдаланганлар 2 йилгача қамоқ жазосига маҳкум этилиши ёки икки миллион иенагача (26 минг АҚШ доллари) жарима тўлайди.**

### ҚОНУН ШАРИАТ АҲКОМЛАРН БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРИЛЯПТИ

**Бруней ҳукмдори Ҳассан ал Балкиаҳ фармонига кўра, энди баъзи жиноятлар учун белгиланадиган жазо шариат аҳкомларига мувофиқ тайинланадиган бўлди. 22 октябрь куни эълон қилинган янги Жиноят кодексининг олти ойдан кейин кучга кириши маълум қилиняпти. Шариат аҳкомлари асосида таҳрир этилган янги қонунлар мамлакатда истиқомат қиладиган мусулмонларга жорий этилади (таъкидлаш жоизки, аҳолининг 70 фоизи — мусулмонлар). Аммо бошқа динлар вакиллари, шу жумладан, фуқароларнинг 15 фоизини ташкил этувчи этник хитойликларга нисбатан эса аввалги қонунлар амал қилаверади.**

### ТАИЛАИДДА ЯНГИ СОЛИҚ ТУРИ

**Мамлакат ҳукумати Таиландга ташриф буюрадиган чет эл фуқароларининг уч кунлик ташрифи учун 1 АҚШ доллари, ундан ортиғи учун эса 16 АҚШ доллари миқдорида пул тўлашларини белгиловчи қарор қабул қилди. Янги солиқ турининг 2014 йил 1 январдан кучга кириши хабар қилиняпти. Мутахассислар бу қарор мамлакатга келувчи сайёҳлар миқдорига таъсир этмаган ҳолда, уларга кўрсатилаётган хизмат сифатининг яхшиланишига олиб келади, деб айтмоқдалар. Бироқ ҳозирча мазкур ташаббусга меҳмонхоналар вакиллари эътироз билдирмоқдалар. Уларнинг фикрича, бу қарор сайёҳлик индустриясининг истиқболига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.**

Г.Муҳиддинова тайёрлади.



XXI ASR
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

2014 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда!

Мурожаат учун телефон: (8 371) 215-63-80,
e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

**Иш ҳажми 25 фоиз,**
электр энергияси харажатлари эса 10 фоизга қисқаради.




# «Томир»ларга қуйилаётган янги «қон»

## «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси парки яна тўртта янги юк электровози билан бойиди



**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI asr»

Маълумки, мамлакатимизда транспорт воситалари орқали ташиладиган юкларнинг 90 фоизга яқини темир йўллар орқали манзилига етказилади.

Таъкидлаш лозим: истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда янги темир йўллар ва вокзаллар қуриш, локомотив ва юк саройларини янгилаш, мавжуд йўлларни электрлаштириш бўйича бир қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилди.

Бу борада, айниқса, локомотивлар паркини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Жумладан, ўтган йиллар мобайнида ўз паркини 27 та замонавий, юқори самарали электровозлар билан тўлдирган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси айни пайтда ҳам бу борада изчил ишларни амалга оширмоқда.

Ўз навбатида, Президентимизнинг «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК локомотивлар саройини янгилаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида яна бир лойиҳага қўл урилганини айтиш жоиз. Унга мувофиқ, «Хитой Эксим Банки» иштирокида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ва ХХРнинг CNTIC-CNADLR консорциуми ўртасида мамлакатимизга «O`ZEL» туркумидаги 11 та юк электровозини олиб келиш бўйича шартнома имзоланган бўлиб, келишувга кўра, жорий йилнинг августида уларнинг учтаси буюртмачига етказиб берилди.

ДАТК ахборот хизматининг хабар беришича, хитойлик локомотивсозлар томонидан Япониянинг «Toshiba» компанияси муҳандислари билан биргаликда ишлаб чиқарилган ана шу электровозларнинг тўрттаси ноябрь ойида қабул қилинса, қолган тўрттаси йил охирига қадар олиб келинади.

Шу ўринда хитойлик қурувчилар «O`ZEL» туркумидаги юк электровозларини ишлаб чиқариш жараёнида аввал олиб келинган «O`zbekiston» ва «O`zbekiston-yo`lovchi» русумдаги йўловчи электровозлар хизматидан фойдаланиб, тегишли хулосаларни чиқарган ўзбекистонлик мутахассисларнинг таклиф-мулоҳазаларини инобатга олиб, уларга зарур ўзгартиришлар киритганларини айтиш лозим.

Энг муҳими, техниканинг сўнгги талаблари асосида, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда, экологик жиҳатдан тоза ва нисбатан кам энергия сарфлайдиган эҳтиёт қисмлардан йиғилган «O`ZEL» электровозлари ёрдамида «Ўзбекистон темир йўллари» ўз имкониятларини яхшиламоқда. Жумладан, мазкур транспорт воситалари ишга туширилгач, компания ихтиёридаги электровозларни таъмирлаш учун сарфланадиган иш ҳажми 25 фоиз, электр энергияси харажатлари эса 10 фоизга қисқаради.

ХАБАРДОР

## ИСТЕЪДОД ЭГАЛАРИ САРАЛАНДИ

**Президентимиз ташаббуси билан ёш истеъдод ва иқтидор соҳибаларини юзага чиқариш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.**
**Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб деб топилган 95 нафар қиз адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият йўналишлари бўйича ўз салоҳияти ва маҳоратини намойиш этди.**
**— Бу йилги танловда қатнашиш истагини билдирган қизлар сони 2 минг 858 нафарни ташкил этди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Зухра Иброҳимова. — Туман ва шаҳар босқичларида 684 нафар қиз иштирок этди. Бу Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод камолотига қаратилаётган улкан эътиборнинг самарасидир.**
**Якунда ўз йўналиши бўйича ғолиб деб топилган иқтидорли қизлар танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.**
А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири.

## ЭНГ БАЛАНД ЧАРХПАЛАК — НЬЮ-ЙОРКДА



**2016 йилда Нью-Йорк шаҳрининг энг олис даҳаси — Стейтен-Айлендда барпо этиладиган, чархпалак кўринишидаги аттракционнинг баландлиги 190 метрни ташкил этиши кутилмоқда. Маълумки, барчамизга яхши таниш бўлган тўққиз қаватли уйлар салкам 30 метр, машҳур меъморчилик обидаси — Озодлик ҳайкали эса 93 метр баландликка эга. Демак, янги аттракцион Озодлик ҳайкалидан икки баробар баланд бўлади.**
**Мутахассислар бир йил аввал ишлаб чиқилган мазкур лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш учун 500 миллион доллар миқдорида маблағ сарфланишини қайд этмоқдалар.**
**Эътиборлиси, гарчи ушбу чархпалак дунёдаги энг катта аттракционга айланса-да, сал аввалроқ Хитойнинг Ухань шаҳри маъмурияти 2017 йилда 200 метрлик, дубайлик шайхлар эса 2018 йилда 210 метрлик чархпалак қурилиши режалаштирилаётганини маълум қилишган эди.**



## ЕРНИНГ «ҚОРА ДОҒ»ЛАРИ

**Швейцариянинг Яшил Хоч нодавлат ташкилоти экологик муаммолар билан шуғулланувчи Блэксмит институти (АҚШ) олимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадқиқотлар асосида сайёрамизнинг энг ифлосланган ҳудудлари рўйхатини эълон қилди.**
**Ушбу рўйхат ўнталигидан Аргентинадаги Риачуэло дарёси, Ҳиндистоннинг Хазарибагх маъмурий ҳудуди, Гана пойтахти — Аккра шаҳри, аниқроғи, шаҳар яқинидаги электрчиқиндилар ахлатхонаси, Замбиянинг Кабве шаҳри, Индонезиянинг Читарум дарёси ва Калимантан ороли, Нигерия ҳудудидаги Нигер дарёси дельтаси, Россиянинг Дзержинск ва Норильск шаҳарлари ҳамда Украинанинг Чернобили ўрин олган.**
**Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, қора рўйхатга кирган географик номлар мамлакатларнинг тартибсиз барпо этилган саноат ҳудудларида жойлашган бўлиб, айни пайтда у ерда юзага келган оғир экологик ҳолат қарийб 200 миллион киши ҳаётига хавф солмоқда.**

ТЕННИС

## НИГИНАНИНГ ҒАЛАБАЛАРИ



**Теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида давом этаётган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимига кирувчи нуфузли турнирда дунёнинг йигирмага яқин давлатидан келган ракетка усталари ғолиблик учун куч синашмоқда.**
**Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтаётган мусобақада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган истеъдодли ёш теннисчи Нигина Абдураимова дастлабки учрашувда германиялик Нина Зандерни 6:4, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди.**
**Жуфтлик баҳсларида италиялик Мария-Елена Камерин билан ҳамкорликда ўйнаётган ҳамюртимиз руминиялик Лаура-Иоана Андре ва россиялик Полина Лейкина устидан 6:2, 0:6, 12:10 ҳисобида зафар қучди ва чорак финалга йўлланма олди.**
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.




Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 7-14 ноябрь кунлари мамлакатимизда об-ҳаво ўзгарувчан бўлсада, ёғингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кечаси 0-5, кундузи 8-9 ноябрь кунлари 15-20 даража илиқ бўлиши, ҳафта охирига бориб эса 5-10 даража илиққача пасайиши мумкин. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси 3-8, кундузи 15-20 даража илиқ бўлиши кутилмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам шундай об-ҳаво бўлиши кузатилади. Республикамизнинг шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида термометр миллари кечаси 2-7, кундузи 13-18 даража илиқ бўлишини кўрсатади. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳарорат кечаси 2-7, кундузи 13-18 даража илиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда ҳарорат кечаси 0-5, кундузи 7-12 даража илиқни ташкил этиши кутилмоқда.

Реклама




Реклама







XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИРИЯТ: Темур АБДУРАҲМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Озод РАЖАБОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ХЎЖАЕВ, Маркс ЮСУПОВ, Ориф ЎЛМАСОВ, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.

БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 8450 Тираж: 16216
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
О.РАЖАБОВ, Ш.РАҲИМОВ.